

ИМЗО СУД-ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИННИГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Анорбоеев Абдувосид Абдукарим ўғли

Аннотация: Мақолада хатшунослик экспертизаси, хатшунослик экспертиказисининг обекти сифатида имзо, экспертиза обектълари уларнинг намуналарини олиш ва мавжуд базаларни янада ривожлантириш юзасидан фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: хатшунослик, экспертиза, имзо, экспертиза учун намуналар олиш, намуна, айнанлик, ўхшашлик.

Аннотация: В статье написано о заочной экспертизе, написано о взятии образцов на экспертизу. Также состоялся обмен мнениями по развитию выборки для экспертизы.

Ключевые слова: экзамен, подпись, образец, точность, гомология, образцы для исследования.

Annotation: the article is written about correspondence expertis. The signature was studied as a correspondence examination. An opinion was also expressed about taking samples for expertise and creating databases.

Key words: homology/the examination/signature/sample/exactness/similarity

Имзо суд-хатшунослик экспертизасининг объекти сифатида

Бугунги кунда бевосита жиноятларни очиш ва исботлашда экспертизанинг ўрни бекиёсдир. Жаҳонда экспетизанинг жуда кўпалб турлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда ҳозирда 50 дан ортиқ экспертизаларни ўтказиш мумкин. Бу экспертизалар тадқиқот обьектларига қараб уларни ўтказиш усуслари ҳам уларин ўрганадиган манбалар (базалар) ҳам бир-биридан фарқланади. Ҳар бир экспертиза муайян бир масалага аниқлик киритиб фактларни аниқлади. Албатта у тадқиқот учун яроқли бўлса. Экспертиза турлари ичida хатшунослик экспертизаси мураккаб ва қўп қиррали эканлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда техника-технология ривожланиб, электрон рақамли имзолар киритилганидан сўнг эса, тадқиқот обьектлари ва уларни текшириш усуслари ҳам ривожланди. Жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича одил судловда суд-хатшунослик экспертизасининг энг қўп тарқалган тадқиқот обьектларидан бири – бу имзо ҳисобланади. Имзо билан боғлиқ тадқиқотларнинг мураккаблиги, ушбу ёзув материали бўйича фойдали ахборотларнинг камлиги ва белгиларининг ифодаланиши даражаси пастлиги билан ифодаланадиган ўзига хослигига боғлиқдир. Ёзиш жараёнига турли бузувчи омилларнинг таъсири,

тахмин қиинаётган ижрочилар ёзувларининг бир-бирига ўхшашлиги, имзоларни бажаришда турли техник воситалардан фойдаланиш имкониятлари бу борадаги диагностик ёки идентификацион вазифаларни ҳал этишни қийинлаштиради. Натижада эса, етарлича асосланмаган ёки хато хulosалар чиқарилади, шунингдек, “саволга жавоб беришнинг имкони йўқ” шаклидаги хulosалар берилади. Юқорида таъкидланган шароитлар экспертдан имзо ва унинг тадқиқотлари методикасининг ўзига хос хусусиятлари бўйича чуқур билимларни талаб қиласди. Ёзув билан психофизиологик асосларининг бирлиги, ёзишнинг график ва техник кўнималари билан боғлиқ бўлган имзо хатшунослик обьектларининг алоҳида ўзига хос тури ҳисобланади. Бу имзо тушунчасининг ёзишнинг маҳсус маҳсули сифатидаги тушунчаси, унинг шаклланишидаги ўзига хосликлар, имзонинг асосий хусусиятлари ва унга асосланган белгилар тизими, шунингдек, имзоларга нисбатан қабул қилинадиган қарорларнинг ишончлигини оширишга хизмат қиласдиган умумий ва хусусий методикалари билан боғлиқдир. Хужжатларнинг реквизитлардан бири сифатида имзолар шахсий тасдиқловчи белги сифатида жуда кег тарқалган. Имзонинг график тадқиқотлар обьекти сифатидаги тушунчаси унинг мўлжалланган мақсади, бажарилиши тартиби ва таркиби билан боғлиқ. Имзо – одамнинг фамилияси, исми-шарифи ёки бошқа бошқа маълумотларининг бирор-бир ҳужжат ёки ёзувдаги ўз қўли билан ёзган график тасвиридир. Ёзувчининг хусусий белгиси сифатида имзо ҳам ёзув каби шахсни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган қrimиналистик тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қилиши мумкин¹. Имзонинг муайян шахсга тегишлилиги унинг фамилияси, исми-шарифи тўлиқ ёки қисман акс этиши ёки ҳарфларни ташкил қилмайдиган ёзиш белгиларининг шартли график акс этиши билан тасдиқланади. Имзонинг оддий хат ва бошқа ёзишмалардан ҳам фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, профессор ва ушбу соҳа тадқиқотчиларнинг фикрича, имзо оддий хатдан қуидагилар билан фарқланади:

- а) ҳажмига кўра анча чекланган график ёзувни ўз ичига олади;
- б) кўпинча унинг график тасвири бажарувчининг фамилиясидаги ҳарфли ёзувига тўғри келмайди;
- в) одатда имзо хатга нисбатан автоматлаштирилган тарзда бажарилади.

Имзоларни устида тадқиқот олиб бориш ҳам ўзига хос мураккаб бир жараён бўлиб, улар устида тадқиқот ўтказиш учун имзо ва унинг таркибий қисмларини

¹ Қаранг: Кошманов М.П., Кошманов П.М. Идентификационные признаки буквенного, цифрового и подписного почерка: Учебное пособие. – Волгоград, 2006.

уларнинг бир-биридан фарқини билиб олиш лозим. Имзоларни қуидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Имзонинг бошланиш қисми (монограмма) шахснинг фамилияси, исми-шарифининг бош ҳарфларидан иборат бўлади. Монограмма – имзонинг бошлангич қисми бўлиб, икки ёки ундан ортиқ ҳарфлардан ташкил топади, бир элемент билан бирлаштирилади ва битта мураккаб ҳаракат билан бажарилади. Штрихли имзоларда уинг бошланиш қисми сифатида шартли равишда ўқиш мумкин бўлган ҳарфлар ёки ҳарфсиз чўзилган штрихлар ажратилади.
2. Имзонинг ўрта қисми бош ҳарфларсиз ва жимжимадор чизиқларсиз, сатрдаги ҳарфлар ва ҳарфсиз элементлардан ташкил топган қисми.
3. Жимжимадр чизиқлар – бу имзонинг турли шакл, муаккаблик даражаси ва чўзилганликка эга бўлган, бажарилиши бузилган ҳарфлар ва ҳарфсиз элементлардан иборат қисми бўлиб, имзони ҳимоялашга мўлжалланган. Жимжимадор чизиқлар одатда, максимал тезликда ва имzonинг олдинги қими билан қўшилган ҳолда бажарилади. Тўла шаклланган имзо ўзининг мукаммалиги ва ишлатилган график белгиларнинг индивидуаллиги билан ажралиб туради. Бироқ имзонинг бир неча маротаба бажарилишида унинг ҳамма қисмларида тўла ўхшашликни учратиш мумкин эмас. Бу имzonинг вариацияси билан изоҳланади.
4. Имзодаги қўшимча штрихлар имzonинг моддий қисмидан узокда жойлашган ҳарфсиз элементлар бўлиб, улар имзодан маълум бир масофада жойлашади².



Имзонинг таркибий қисмлари:

А – “ТК” ҳарфларининг монограммаси; Б – имzonинг ўрта қисми;

В – жимжимадор чизиқлар; Г – қўшимча штрихлар

Имзо ёзиш материалининг бир тури бўлишига қарамасдан, унинг шаклланиш жараёнида оддий ёзувга қарагада бир қатор хусусиятлар мавжуд ва улар имзода акс этувчи белгиларнинг табиати ва тузилиши ифодалайди.

² Кошманов М.П., Кошманов П.М. Идентификационные признаки буквенного, цифрового и подписного почерка: Учебное пособие. – Волгоград, 2006.



Имзонинг шаклланиши ёзув кўникмалари билан бир вақтда, қисман шаклланган ёзма-харакат кўникмаси асосида ҳамда у билан боғлиқ психофизиологик асосларнинг бирлиги, шунингдек, бу вақтга келиб орттирилган ёзишнинг график ва техник кўникмалари билан юз беради. Инсонларнинг хатлари ҳам ёш давригақараб ўзгаради. Хаттохи хатларда, ёзаётган инсонларнинг жинси ҳам фарқ қиласи. Имзонинг шаклланиши жараёнини шартли равишда қуидаги уч босқичга бўлиш мумкин:

I. Мактабда ўқиши даврида.

II. Бирорта касб ёки мутахассисликка эга бўлганда.

III. Келгуси меҳнат фаолиятида³.

Имзо шаклланишининг бошланғич босқичи мактабнинг 6-
7 синфларида амалга ошади. Бу вақтда шахсда имзони тузилишини шакллантиришга бўлган онгли-иродавий характер пайдо бўлади. Имзонинг келгуси шаклланиши бирорта мутахассисликка эга бўлиш жараёнида амалга ошади ва лаёқатга эга бўланлиги боис, шахснинг турли ҳужжатларга имзо қўйиш тажрибасининг ортиши билан боғлиқ бўлади. Бу даврда имзо яна ўзгаришга учрайди ва бу ҳолат, шахснинг ўз имзосига кўпроқ индивидуаллик бериш истаги ҳамда имзони тез бажариш зарурати билан ифодаланади ва натижада имзонинг умумий ва хусусий белгилари ўзгаради. Имзо таркибида мураккаблашган монограмма ва жижимадор чизиқлар, турли шаклдаги қўшимча штрихлар пайдо бўлади. Шу билан бир вақтда имзони тез бажариш мақсадида, имзонинг ҳарфл қисмлари ҳарфсиз элементлар билан алмашиши мумкин. Имзо шаклланишининг иккинчи босқичида (мутахассисликка эга бўлиш вақтида) имзонинг транскрипцияси (ёки таркиби) анча барқарорликка эга бўлади. Бу ўз навбатида, имзонинг доимий ҳарфлар бирикмаси сифатидаги сўз шаклида шаклланишини келтириб чиқаради. Бу даврда имзонинг кўплаб умумий ва хусусий белгилари ўзгармай қолади. Имзо шаклланишининг учинчи босқичи шахснинг, турли ҳужжатларни имзолаш амалиётини ифодалайдиган меҳнат фаолиятининг хусусияти билан боғлиқ. бу даврда, мураккаб тузилишга эга бўлган имзолар анчагина ўзгариши мумкин. Имзани тез бажариш зарурати, унинг тузилишини соддалаштириш эҳтиёжи, шунингдек янги, оддий вариантларини пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу вариантларнинг қай бирини танлаш лозимлиги, шахс томонидан имзоланадиган ҳужжатларнинг аҳамияти ва мўлжалланган мақсади, айrim ҳолларда ҳужжатдаги имзо қўйиш учун ажратилган жой ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Имzonинг тўлиқ шаклланиши 30-35 ёшга бориб

³Клименко Н.И. Экспертные ошибки и их причины. – Киев, 1988. – С.38.



якунланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Грановский Г.Л. Природа, причины экспертных ошибок и пути их устранения. М., 1983. – С.2
2. Клименко Н.И. Экспертные ошибки и их причины. – Киев, 1988. – С.38.
3. Макушкина Г.Е., Вермел И.Г., Кочнева Л.В. Понятия, причины и профилактика экспертных ошибок. – Свердловск, 1997. – С.337.
4. Шейфер С.А. Следственные ошибки и их причины. – Киев, 1998. – С.121.
5. Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. – М., 2001. – С.172.
6. Кошманов М.П., Кошманов П.М. Идентификационные признаки буквенного, цифрового и подписного почерка: Учебное пособие. – Волгоград, 2006.